Куйиш касаллиги бўлган беморларга замонавий яра қопламаларини қўллаш, ярани эпителизация бўлиш вақтини қисқартириш орқали даволаш самарадорлигини сезиларли даражада оширади. Лекин чандиқларга қарши воситаларнинг сезиларли арсеналига ва улардан фойдаланиш давомийлигига қарамай, куйиш кенглиги таъсирида терида чандиқлар пайдо бўлиши муаммоси сақланиб қолмоқда ва бу муаммо, айниқса кичик ёшдаги беморларда долзарбдир. Дерманинг термик куйиш натижасида коллаген қаватининг шикастланиши патологик чандиқлар пайдо бўлишига олиб келади [15; 35-42-б.]. Ушбу муаммонинг ечимларидан бири, чандиқ пайдо бўлишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни имкон қадар тезроқ бошлашдир [38; 77-84-б.] Шу билан бирга, одатий ва анъанавий равишда, бемор касалхонадан чиққандан кейин буни амалга ошириш мумкин деб ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, кўрсатилган вақт давомида беморларга шикастланишга қарши дори-дармонлар бериш, ўз бошимча даволаш ишларини қилмаслик керак. Бу ҳолат чандиқланган тўқиманинг

инфекцияланиш ҳавфини туғдириши ва оқибатда, терида патологик чандик ривожланиши сабабларидан бири бўлиши мумкин. Чандик юзасида юқори куриш ва зарарланиш билан кечадиган ярачалар ҳосил бўлса, чандик юзасининг стабилизацияланиш вақти чўзилиши мумкин [30; 88-92-б.]. Куйишлар эпителизация қилингандан кейин беморларда анти-чандикни даволашни қисқартириш усулларида бири, ҳозирги пайтда амалга оширилган терининг сиртини нафақат механик химоя қилиш, балки уни барқарорлаштириш жараёнининг тезлашиши ҳам муҳим. Ушбу мақсадлар учун яра қопламларини излаш жуда долзарб, чунки ушбу муаммони ҳал қилиш эрта босқичларда ярага қарши даволанишни буюриш имконини беради, бу эса куйган жойни қайта тиклаш бўйича яхши натижага эришишга олиб келади [49; 19-22-б.].

Хужайравий терапия ёрдамида шикастланган аъзоларни сақланиб қолган резервлар регенерация ва пролиферация қилиш қобилятини фаоллаштириши, ўрнини босиши имконини беради. Хужайравий трансплантация аъзо трансплантациясига кўра, кўпгина афзалликларга эга. Чунки бу усул мутлақо безарар бўлиб, бир вақтнинг ўзида кўп беморларда қўллаш мумкинлиги, кам ҳарж ва кучсиз иммуносупрессорлар ишлатиш мумкинлиги билан ажралиб туради. Аъзолардан олинган махсус хужайраларни ўстиришни қўллаш тўқима терапияси ривожланишига олиб келади. Дастлаб хужайравий трансплантация усули инсулинга боғлиқ бўлмаган қандли диабетда ва Паркинсон касаллигида ўрганила бошлади [86; 7-11-б.]. Кейинчалик жигар касаллигида ҳам хужайра трансплантация усули қўлланилди [72; 50-53-б.]. Чуқур куйишларда ўстирилган аллофибробластларни қўллаш бир қанча ижобий натижаларни берди. Бунда куйган жароҳат соҳасида яллиғланиш аллофибробластларни қўллаш оқибатида яллиғланиш-регенератор жараёнига ўзгарган [74; 392-393-б.].

Термик куйишда қўлланилган бу усул натижалари таҳлил қилинганда маълум бўлдики, куйган тери юзасида яллиғланишли, регенератив жараёнлар анча тез кечганлиги, инфекция қўшилиши кескин пасайганлиги кузатилди

[118; 69-74-б.]. Маълумки, замонавий комбустологияда энг қийин долзарб ва ижтимоий жихатдан муҳим муаммолардан бири, куйишлар натижасида терига кенг ва чуқур зарар етган соҳани тезда тикланиши бўлиб қолмоқда. [138; 311-318-б., 139; 151-161-б.]. Анъанавий равишда ишлатиладиган аутодермопластика донорлар аутодермисининг кенг юзали куйишларида етишмаётганлиги беморларни даволашда қийинчилик туғдиради [26; 185-189-б.].

Клиник амалиётда куйган беморларни даволаш учун эмбрионал ЎАФ трансплантацияси қўллаб кўрилди. Бу усул эмбрионал аллоген фибробластлар бирламчи суюқлиги (хужайра суспензияси)ни жароҳат юзасига қўллашдан иборатдир [54; 112-115-б., 55; 22-27-б.].

Куйган жароҳатларни даволашда ушбу хужайралар суюқлигини қўллаш орқали тадқиқотчилар ўстирилган аллофибробластлар(ЎАФ)нинг жароҳат битиш жараёнига таъсирини ҳисобга олишган.

Ўзбекистонда 1995 йилдан бошлаб, хужайра технологиясининг янги йўналиши бўлган эмбрионал аллофибробластларни яратиш ва уларни куйган беморларни даволашда қўллаш усуллари ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси патенти билан ҳимояланган [66; Уразметова М.Д. 1998.].

Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази (РШТЁИМ) комбустология бўлимида қўллаш, куйган жойларга ЎАФ трансплантациясидан фойдаланиш ижобий натижаларни берди. Шундай қилиб, III Б ва III А даражали 20 % дан кўпроқ термик куйиш билан оғриган 150 нафар беморда аутодермопластикада ЎАФ трансплантациясини қўллаш жароҳатнинг битишини тезлаштирди, тешилган тери лоскутлари тез битишига олиб келганлигини кузатишимиз мумкин [41; 80-84-б., 74; 72-74-б.]. ЎАФ трансплантацияси беморларни жарроҳлик усулида даволаш натижаларини яхшилашга ёрдам берди. Бу жароҳат сиртларининг цитограммаларида дегенератив-яллиғланишли турларини яллиғланиш - регенератив турига айланганини кўрсатди ва куйган жароҳат юзасини микроблар билан ифлосланиш даражасини камайтирди, иммунологик

кўрсаткичларга ЎАФ қўлланилиши ижобий таъсир кўрсатади [13; 11-14-б., 29; 27-29-б., 53; 112-115-б., 75; 55-57-б.].

I боб бўйича хулоса

Хулосанинг асосий моҳияти шундан иборатки, юқори ҳароратли термик куйишда организмда юз берадиган клиник ўзгаришларни башоратлаш ва самарали даволаш учун иммунологик текширувлар ўтказиш зарурлиги кўпгина адабиётларда кўрсатилган. Кенг кўламдаги илмий тадқиқотлар мавжудлигига карамай, оғир даражали термик куйишда ва уни биотехнологик усулар, замонавий қопламалар билан даволашда иммун тизим аъзоларининг ўзига хос морфологик ўзгаришлари ва қоннинг иммунологик тизимидаги ўзгаришлари бирга қўшиб ўрганилмаган.

Кўпгина адабиётларда аллофибробластларни оғир даражали термик куйишда қўлланилгани ва уни теридаги жароҳат битишига ижобий таъсири келтирилган. Аммо иммун тизимига таъсирини ҳам морфологик, ҳам иммунологик ўрганганини учратмадик.

Россиялик ва чет эл олимлари, шу жумладан мамлакатимизнинг бир қанча олимлари ҳам термик куйиш бўйича қатор илмий тадқиқотлар амалга оширганлар, аммо бу оғир даражали термик куйишда инсон организмида кечадиган патологик ҳолатларни тўла-тўқис ёритиб бермайди.

Айрим адабиётларда термик куйишда иммунологик ўзгаришлар, ички аъзолардаги ўзгаришлар келтирилганини учратиш мумкин, бироқ термик куйиш ва уни ўстирилган аллофибробластлар даволашдаги лимфоид аъзолардаги морфологик ўзгаришлар бирга қўшиб ўрганилмаган ва бу, ўз навбатида, термик куйиш ва уни даволаш борасида янада кўпроқ илмий изланишлар олиб бориш кераклигини, ечилиши кутилаётган муаммолар борлиги, термик куйишда ички аъзоларда кечадиган морфологик ўзгаришлар охиригача ўрганилмаганлиги, ҳали кўплаб тадқиқотлар ўтказилиши зарурлигини кўрсатади.

Бугунги кунда термик куйишдан юзага келадиган асоратларни камайтириш, оғир даражали термик куйишни даволашда, самарали усулларни ишлаб чиқиш, даволашнинг иммун тизимига таъсирини ўрганиш муҳим долзарб муаммолардан ҳисобланади. Инсон соғлом бўлсагина жамият ривожланишига фойдаси тегиши мумкин. Куйган беморларда иммун тизимини эрта коррекция қилиш, жароҳат жойига ўстирилган аллофибробластларни қўллаш, жароҳатнинг эрта битишига, беморлар ҳаёт тарзини яхшилашга, беморларни касалхонада бўладиган муддат қисқаришига, ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтиришга ёрдам беради.

II БОБ. ТЕРМИК КУЙИШ ВА УНИ АЛЛОФИБРОБЛАСТ БИЛАН ДАВОЛАШ НАТИЖАЛАРИНИ БАҲОЛАШ УЧУН ФОЙДАЛАНИЛГАН МАТЕРИАЛ ВА УСУЛЛАР

§2.1. Тадқиқотнинг клиник материали ва усуллари

Тажриба иши ўртача вазни 180-200 граммли 60 та оддий оқ эркак каламушларда ўтказилди ва улар 3 та гуруҳга бўлинди: 1) чуқур термик куйиш қўзғатилган 30 та каламуш; 2) чуқур термик куйиш қўзғатилиб, аллофибробластлар билан даволаган 24 та каламуш. 3) 6 та соғ каламуш. Ҳайвонлар сони ва гуруҳлари 2.1 – жадвалда келтирилган.

2.1- жадвал

Тажрибавий ҳайвонлар сони ва гуруҳи

№	Каламушлар гуруҳлари	Текширув кунларида каламушлар сони						жами
		0	3	6/3	10/7	17/14	24/21	
1.	ТК	-	6	6	6	6	6	30
2.	ТК+ЎАФ	-	-	6	6	6	6	24
3.	Соғлом	6	-	-	-	-	-	6
	Жами:	6	6	12	12	12	12	60

Изоҳ: 6/3 кузатув кунлари ва даволаш кунлари.

Ҳайвонлар терисини термик куйдириш тажрибаси қуйидагича амалга оширилди: 54 та зотсиз 180 – 200 гр ли оқ эркак каламушлар эфир наркози билан ухлатилиб, 100 С даражада қиздирилган темир пластинка орқа елка соҳасининг туклардан тозаланган соҳа терисига намланган дока устидан 16 сония босиб турилди. Ўлчами 6x4 смли қиздирилган темир пластинка ёрдамида каламушлар умумий терисининг 18-20 % тенг соҳасида чуқур термик куйиш (ШБ даража) келтириб чиқарилди. Ҳайвонлар тана юзаси сичқонлар учун ишлатилган Мееубнер формуласи [61] бўйича ҳисобланди

$$S=11,4+W^{2/3} \quad (2.1)$$

Бунда W- ҳайвон массаси грамmda, S- тана юзаси сантиметр квадрат. 24 см²ли жарҳат соҳаси 200 гр ли каламушларда 18,9%ни ташкил қилади.

Бирламчи ўстирилган аллофибробластлар (ЎАФ) 14 – 17 кунлик каламуш эмбрионларини эмбрионал тери қопламаларини ферментизация йўли билан 199 культурал муҳитда фибробластлар ўстирилди. Аллоген фибробластлар сифатида эмбрионал фибробластлардан фойдаланиш катта клиник самара беради. Чунки улар катта пролифератив потенциалга эга.

Тайёр қилинган фибробластли суспензия 2 – гуруҳни даволашда ишлатилди. Суспензиянинг 1 мл 230000 хужайра тутди. 2-гуруҳдаги ҳайвонлар терисининг куйган соҳасидан некрозланган қасмоқни тажрибанинг 3-кунида кесиб олиб ташланди ва яра юзасига аллофибробластли суюқликдан 0.2мл ҳар см² миқдорида жароҳат юзасига томизилди ҳамда устига физиологик эритма ва гентамицин билан намланган дока қўйиб боғланди.

Ҳайвонлар тажрибанинг 3, 6, 10, 17, ва 24-кунлари декапитизация йўли билан сўйилди ва улардан олинган материаллар қуйидаги усулларда текширилди: Тимус, талок, лимфа тугунлар ва куйиш яра соҳаси тўқимаси гистологик текшириш учун олинди ва 10 %ли фосфат буферли формалин эритмасида фиксацияланди. Материаллардан одатий усулда парафин блокланди. Блоклар MC-2 микротомда 5-6 мкм қалинликда кесилиб, гематоксилин ва эозин бўёғида бўялди, ёруғлик микроскопида текширилди.

T– ва B-лимфоцитларга моноклонал антитаналар ёрдамида иммуногистохимик реакцияга қўйилди. Иммуногистокимёвий текширувлар Дания давлатининг “Dako” фирмасининг олдиндан тайёрланган бирламчи антителалар эритмасидан фойдаланиб амалга оширилди ва натижалар махсус тизимлар – EnVision, Peroxidase DAB+ (Dako, Дания) ва BioGenex, США ёрдамида баҳоланди. Иммунокомпетент хужайраларни иммуногистокимёвий усулда текшириш бирламчи антитаналар ёрдамида аниқланди.

§2.2. Иммунологик текширув усуллари

Ҳайвонлар иммунологик статуси Ф.Ю. Гариб (1995) ва М.В. Залялиеванинг (2004) унификацияланган тест усулида баҳоланди. Ҳайвонлар

қони гепарин (25 ЕД/мл) кўшилиб пробиркага олинди. Лимфоцитларни ажратиш умумий тартибда А.Воут усулида бажарилди. Лимфоцитларнинг субпопуляциялари моноклонал антитаналар ёрдамида (ООО «Сорбент-сервис», Москва) юзаки маркерлари: CD3, CD4, CD8, CD 16, CD20 ва CD95 билвосита розетка пайдо қилиш усули бўйича фоизларда ҳисобланди. Нейтрофиллар фагоцитар фаоллиги (НФФ) 2,3 мкр диаметрли латекс заррачалари ёрдамида аниқланди.

Иммун тизимини баҳолаш лимфоцитлар ва уларнинг асосий популяция ва субпопуляцияларини аниқлаш, ҳар бир тур иммуноцитлар учун юза рецепторлар махсус ҳисобланиб, антигенлар билан боғлана олиш қобилятига, иммунофенотипирланиш ўтказишга боғлиқ. Лимфоцитлар иммунофенотипирланишини ўтказиш цитометрия, билвосита иммунофлюоресценция ва микроскопия усулида бажарилади. Моноклонал антитела ёрдамида лимфоцитлар CD бўлакчалар ёрдамида билвосита розетка пайдо қилиш натижалари қайд қилинади. Юқорида кўрсатилган усул энг ишончли усуллардан ҳисобланилади (Новиков П.Д., Минин С.Е.).

Иммунологик фенотипирлаш учун умумий тартибда А. Воут усулида ажратилган лимфоцитлар тозаланган суспензияси ишлатилди. Ҳайвонлар қони сўйилган пайтда пробиркага олиниб, 5 мл 199 муҳит билан аралаштирилди ва устидан 1,077 г/см зичликдаги фиколлверографин солинди. Центрифугадан ўтказилиб ҳужайралар Горяев камерасида саналди. Лимфоцитлар тириклиги трипан кўк тестида аниқланганда, лимфоцитлар суспензиясида 95 % тирик ҳужайралар борлиги маълум бўлди. Лейкоцит ва лимфоцитлар миқдорини аниқлаш учун С.И. Задорожнов ва И.М. Дозморев (1987) бўёғидан фойдаланилади. Бунда 10 мкл қон ва бўёқ нисбати 1:20 нисбатда аралаштирилиб, Горяев камерасида саналди.

Лимфоцитлар субпопуляциясини аниқлаш 96 – ойсимон планшетда бажарилди. Планшетга 50 мкл лимфоцитлар суспензияси ва 50 мкл эритроцитар диагностика солинади. Хона ҳароратида 10 минут қолдирилади. Кейин центрифугада 5 мин 1000 айл/мин тезликда

айлантирилиб, музлатгичга +4 С да 1 соатга қўйилади. Инкубациядан кейин 0,06% ли глютар альдегид эритмасига 20 минут солинади. Кейин олиниб, 50 мкл С.И. Задорожнов ва И.М. Дозморов бўёғи қўшилиб, розетка ҳосил қилувчи хужайралар саналади. Бунда розетка ҳосил қилишда 3 ва ундан кўп эритроцитни бириктириб олган лимфоцит қатнашади.

Периферик қондаги нейтрофиллар фагоцитар фаоллиги (НФФ) 2,3 мкр ўлчамли меламинали латекс заррачаларини ютиш қобилятига қараб аниқланади. Бунда 50 мкл физиологик эритмадаги $1,0-2,5 \cdot 10^6$ бўлак/мкл концентрацияли латекс, 50 мкл ажратилган лейкоцитлар билан бирга 96-ойсимон планшетга солинади ва 37 ° С термостатга 30 минут қўйилади. 0,6% ли 50 мкл глютар альдегидда фиксацияланади. Хона ҳароратида 20 минут қолдирилади. Центрифугада 5 мин айлантирилиб, глютар альдегид олиб ташлангандан кейин 50 мкл Задорожнов - Дозморов бўёғига солиниб, фагоцитловчи нейтрофиллар фоизи саналади.

Иммунологик текширувларнинг миқдорий кўрсаткичларига статистик ишлов бериш Microsoft Excell 7,0 дастурида амалга оширилди. Бунда катта М – қаторнинг ўртача арифметик миқдори, кичик m ўртача квадрат хатолик ва ўртача квадрат оғиш ҳисобланди. Бу кўрсаткичларнинг ишончлилиқ даражаси Стьюдентнинг t – мезони билан ҳисобланди. $P \leq 0,05$ ва ундан кам бўлганда, маълумотлар ишончли деб ҳисобланди [24; 235-б.].

Иммунитетнинг функционал кўрсаткичлари капиллярларда лейкоцитлар миграциясининг тўхташ реакцияси (ЛМТР) усулида текширилди [Л.И. Миркамилова, 2000]. Бунда қуйидагилар текширилди: 1) периферик қонда лейкоцитларнинг спонтан миграцияланиши (ПҚЛСМ), 2) Т-лимфоцитларнинг КонАга нисбатан цитокинлар ишлаб чиқарилиши иккита дозада (2,5 ва 10 мкг/мл): қондаги лейкоцитлар миграциясини пасайтувчи омил (МПО) ва миграцияни стимулловчи (МСО) омиллар аниқланди, 3) қондаги лейкоцитлар миграциясини фаоллаштирувчи спонтан цитокинлар 4) тери антигенига (ТАг) нисбатан *in vitro* сенсibiliзацияланиш ўрганилди.

Ҳар бир ҳолатда лейкоцитларнинг ўртача югуриши (ЛЮ) абсолют сонларда аниқланди (1 ед = 0,1 мм). Қуйидаги формулаларда лейкоцитларнинг миграцияланиш индекси (МИ) ва миграциясини тўхтатиш индекси (МТИ) ҳисобланди:

МИ = ЛЮ тажриба/ЛЮ назорат (1),


МТИ = (1- МИ) x 100% (2).

МТИ агар $МИ < 0,85$ га тенг бўлса мусбат ва МПО ишлаб чиқарилишидан дарак беради. Агар $МИ > 1,15$ бўлса манфий (МСО) ҳисобланади. Демак, МИ 0,85 - 1,15 оралиғида бўлса Т-лимфоцитлар функционал фаоллиги паст ҳисобланади. Тери антигенига (ТАг) нисбатан *in vitro* сенсibiliзацияланиш $МИ < 0,85$ (МТИ-15%) бўлганда мусбат ҳисобланади.

Специфик антиген сифатида оқ каламуш терисидан тайёрланган сувли – тузли, хлороформли экстракт ишлатилди.

III БОБ. ТЕРМИК КУЙИШ ДИНАМИКАСИДА ИММУН ТИЗИМ АЪЗОЛАРИДАГИ ПАТОМОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАР


Тажрибавий термик куйишнинг дастлабки кунда каламушларда адинамия, диспноэ, тахикардия, полидипсия ва полиурия кузатилди. 3 – кундан бошлаб ҳайвонлар аҳволи яхшилана бошлади. Бу I гуруҳ каламушлар терисини текшириб кўрганимизда куйган соҳада қазғоқ (струп) олиб ташлангандан кейин дерма томирлари кўриниб ётганини, мушак қаватларида яллиғланиш инфильтрациясини кузатишимиз мумкин (3.1-расмга қаранг).




3.1-расм. Тери. I гуруҳ. ТК 3- куни. Куйган соҳа мушак қаватида (1) яллиғланиш инфильтрацияси (2). Гематоксилин ва эозин бўёғи. X: об.10,ок.15.

Тажрибавий термик куйишнинг 6 - кунда жароҳат жойида мушак қават ва фасциялар кўриниб туради. Жароҳатдан кўп миқдорда суюқлик оқиб, жароҳат қирраларида қазғоқ (струп) пайдо бўлди (3.2-расмга қаранг). Тажрибанинг 10-кунида жароҳат қирраларида грануляция, қазғоқ (струп) плазморея ва йирингли ажралма ажралиши сақланган (3.3-расмга қаранг). 17 - кунда ҳам жароҳат соҳасида қазғоқ ва тўқимада яллиғланиш

инфильтрацияси сақланган, қирраларида грануляцион тўқимани кўришимиз мумкин.



3.2-расм. I гуруҳ, ТК 6- кун. Куйган жароҳат қиррасида қазғоқ. Гематоксилин ва эозин бўёғи. X: об.10,ок.15.




3.3- расм. I гуруҳ, ТК 10 - кун. Куйган жароҳат қиррасида қазғоқ ва яллиғланиш инфильтрацияси. X: Об.10, ок. 15. Гематоксилин ва эозин бўёғи.



3.4- Расм. I гуруҳ. Фото. ТК 24 - кун. Куйган жароҳат соҳаси. Тери бутунлиги тикланмаган.

Тажрибанинг охири кунларида жароҳат қирралари қисқарганини, қирралар атрофида грануляцион тўқима мавжудлигини кўриш мумкин. Тери бутунлиги тикланмаган (3.4-расмга қаранг).




3.5-расм. I гуруҳ. Жароҳат соҳасида грануляцион тўқима ва фақат қиррасида эпителий регенерацияси бошланиши . X: Об.10, ок. 15. Гематоксилин ва эозин бўёғи.

Тажрибанинг 24—кунида қазғоқ остида грануляцион тўқима ва фақат кирраларида эпителий регенерацияси бошлангани аниқланилди (3.5-расмга қаранг).

Соғлом каламушлар лимфоид аъзоларини текшириб кўрганимизда, айрисимон без бўлакли кўринишдалиги, аъзо атрофида ёғли метаморфоз, паренхимаси кўпроқ ретикуляр хужайралар ва озроқ лимфоцитлардан иборат. Лимфатик тугунида пўстлоқ, паракортикал зона ва мағиз қисми фарқланади. Пўстлоқ қисмида бирламчи лимфоид фолликулалар аниқланди. Паракортикал соҳада кортекс остида лимфоид фолликулалар оралиғида зич жойлашган лимфоцитларни учратиш мумкин. Мағиз қаватида кам миқдорда лимфоцитлар, плазмобластлар ва плазматик хужайралар, моноцит ва макрофаглар аниқланади. Лимфатик синуслар, маргиналь, кортикал, медуляр синуслар аниқланмади. Талокда қизил ва оқ пульпа фарқланади. Талокнинг оқ пульпаси, асосан, лимфоцитлар, моноцитлар, макрофаглар ва кам миқдорда гранулоцитлардан иборат. Маргинал зонани фарқлаш қийин. Қизил пульпа ретикуляр тўқима, артерия, капилляр ва веналардан иборат. Қизил пульпа ретикуляр толалари орасида гемоседирин, мегакариоцитлар ва эркин хужайралар (лимфоцитлар, эритроцитлар, тромбоцитлар, макрофаглар, плазматик хужайралар) аниқланди.


Тимусдаги ўзгаришлар. Термик куйишнинг илк даврларидан бошлаб яъни тажрибанинг 3 — кунида пўстлоқ ва мағиз қаватларга бўлиниши яққол намоён бўлмаган, Гассал таначалари камроқ миқдорда бўлакчаларни марказий қисмида жойлашган, тимуснинг ташқи пардаси ва бўлакчалари орасига кирган бириктирувчи тўқима тутамларида семиз хужайраларнинг кўпайганлиги, улардан аксарияти дегрануляцияланган ҳолатдалиги аниқланди (3.6-расмга қаранг).



3.6-расм. I гуруҳ, ТК 3-куни. Тимус. Дегрануляцияланган ҳужайралар (1) бўлакчалар
оралиқ стромасида (2). Бўёқ: гематоксилин ва эозин. Х:об. 40, ок. 15.

Ушбу ҳолат термик шикастланишга жавобан нейро-эндокрин реакциянинг морфологик белгиси ҳисобланади, яъни семиз ҳужайралар ўзидан гистамин ва серотонин ишлаб чиқазиб, бириктирувчи тўқимада шиш, мукоид ва фибриноид бўкиш каби ўзгаришларни ривожлантириб, тўқима ўтказувчанлигини оширади. Бу каби морфологик ўзгаришлар тимус бўлакчалари паренхимасида ҳам ривожланганлигини учратиш мумкин, қон томирларнинг тўлақонлиги, периваскуля ва интерстициал шиш ривожланиши кузатилди.

Бу ўзгаришлар асосида тимуснинг ретикуляр строма ҳужайралар цитоплазмаси ҳам вакуоллашиб, шишга учраганлиги, уларнинг атрофидаги лимфоцитларнинг аксарияти кариолизис, кариорексисга учраб, некроз ва апоптоз кўринишида нобуд бўлганлиги аниқланди (3.7-расмга қаранг). Бундан ташқари тимусда “энага ҳужайралар”ни ҳам учратишимиз мумкин.




3.7-расм. I гуруҳ. ТК 3-куни. Тимусда лимфоцитлар некрози ва апоптози (1). Энага хужайралар пайдо бўлиши (2). Бўёк: гематоксилин ва эозин. Х:об. 40, ок. 15

Натижада, тимуснинг стромаси бўлган ретикуляр тўқимаси хужайралари ҳам фаоллашиб, гипертрофияланиб, нобуд бўлган ва апоптозга учраган лимфоцитларни қамраб олиб, детерминацияга учратади. Ушбу ҳолат тимусда кучли стрессга жавобан акцидентал инволюция бошланганидан дарак беради.


Бу каби патоморфологик ўзгаришларнинг оқибатида тимуснинг иккиламчи атрофияси ёғли метаморфоз келиб чиққанлиги кузатилди. Тажрибанинг 6-кунида дегрануляцияланган хужайралар, дастлаб, аъзонинг капсула ва стромасида кузатилган бўлса, кейинчалик барча жойларида учратишимиз мумкин бўлади (3.8-расмга қаранг).

Тажрибанинг бу даврида тимусни пўстлоқ ва мағиз қисми фарқланмайди (3.9-расмга қаранг).


Мағиз қисми, асосан, ретикуляр хужайралардан ва дегрануляцияланган хужайраларда иборат эканлиги аниқланди (3.10- расмга қаранг). Атрофия сақланган.



3.8-расм. I гуруҳ. ТК 6-куни. Тимуснинг иккиламчи атрофияси. Аъзонинг барча жойида дегрануляцияланган хужайралар (1,2). Бўёқ: Г-Э, X:10x15




3.9-расм. I гуруҳ. ТК 6-куни. Тимус. Мағиз ва пўстлоқ қават фарқланмайди. Ретикулоэпителийлар (1) орасида кам микдорда лимфоцитларни (2), учратиш мумкин. Бўёқ: Г-Э. X:40x10.



3.10-расм. I гуруҳ. ТК 6 –куни. Тимус. Мағиз қисмида дегрануляцияланган хужайралар (1).
Бўёқ: гематоксилин ва эозин. Х:об. 40, ок. 15

Тажрибанинг 10 – кунида тимусда ретикуляр хужайралар билан бирга лимфоцитларни ҳам аниқлашимиз мумкин бўлади. Атрофия сақланган. Дегрануляцияланган хужайралар аниқланмайди. Тажрибанинг 17 - кунидан бошлаб, тимуснинг пўстлоқ қаватида яна қайтадан лимфоцитларнинг кўпайиши ва патологик лимфоид фолликулалар пайдо бўлиши кузатилади. (3.11 –расмга қаранг).


Бу патоморфологик ўзгаришлар куйган тери юзасидаги қозғоқ таркибидаги оксилли моддаларнинг денатурацияланиб, антигенга айланишига жавобан, тимусда лимфоцитларнинг аутоиммун жараёнларга хос пролиферацияси ривожланганидан далолат беради. Тажрибанинг бу даврида тимусда пўстлоқ ва мағиз қисмини фарқлаш қийинчилик туғдиради. Тўқима ретикуляр хужайралар ва тимоцитлардан иборат. Улар орасида макрофагларни ҳам кузатишимиз мумкин. Тажрибанинг 24 – кунида тимусда гиперплазия кузатилади (3.12 – расмга қаранг) ва пўстлоқ, мағиз қисмларини фарқлаш қийинроқ бўлсада фарқлаш мумкин.



3.11-расм. I гуруҳ. ТК 17 – куни. Тимусда патологик лимфоид фолликулалар (1).

Бўёқ: Г-Э. X:10x15


Пўсток қисмида макрофагларни кузатишимиз мумкин.
Дегрануляцияланган хужайралар топилмайди.




3.12 – расм. I гуруҳ. ТК 24-куни. Тимус гиперплазияси (1). Бўёқ:Г-Э. X:40x10

Талокдаги ўзгаришлар. Термик куйиш қўзғатилган каламушлар талоғи микроскопик усулда текширилганда маълум бўлдики, 3-кун тажрибанинг илк даврида оқ пульпа, асосан, лимфоид фолликулалардан яъни лимфоцитлардан иборат. Маргинал майдон кенгайиб, чегаралари ноаниқ, қизил пульпа майдони шиш, қон қуйилишлар (3.13-расмга қаранг), семиз хужайра ва макрофаглар кўпайишидан кенгайган. Синусоидлар чегараси ноаниқ, Бильрот тутамлари структур бирликлари титилган, фибриноид некрозга учраган ҳолатда. Лимфоид хужайралари кариолиз, кариорексис ва апоптоз ҳолатда, натижада макрофаглар фагоцитозлаш қобилияти ошган. Тажрибанинг 6-кунида оқ пульпада лимфоцитлардан ташқари кам миқдорда моноцитлар ва макрофаглар учрайди, қизил пульпада мегакариоцитлар аниқланади (3.14-расмга қаранг).

Тажрибанинг бу даврида талоқ оқ пульпаси унча катта бўлмаган лимфоид фолликулалар атрофидаги маргинал майдон кенгайиб, чегаралари ноаниқлашган, қизил пульпага қўшилиб кетган.



3.13-расм. I гуруҳ. ТК 3-куни. Қизил пульпада шиш (1), қон қуйилишлар (2) ва лимфодеструкция (3). Бўёқ: гематоксилин ва эозин. Х:об. 40, ок. 15




3.14-расм. I гуруҳ. ТК 6-куни. Талоқ. Қизил пульпада мегакариоцитлар (1).

Бўёқ: гематоксилин ва эозин. Х:об.40, ок. 15.

Лимфоид фолликулалар ва периартериал Т-майдон бир-биридан алоҳида-алоҳида узоқлашиб жойлашган. Лимфоид фолликулалари титилган ва унда герминатив майдон ва лимфоцитар ҳалқа чегаралари аниқланмайди. Периартериал майдонда жойлашган лимфоцитлар ядролари нисбатан гиперхромли, улардан гуруҳ-гуруҳ лимфоцитлар бир-бирига яқинлашиб, тўпламлар пайдо қилиб жойлашган. Бундай тўпламлар орасида ретикуляр хужайра ёки макрофаг жойлашганлиги аниқланади.


Тажрибанинг 10 – кунида талоқ оқ пульпаси яққол намоён бўлади, марказий зона атрофида лимфоцитлардан ташқари моноцит ва макрофагларни кузатишимиз мумкин. Оқ пульпа атрофида маргинал зона яққол намоён бўлади. Қизил пульпада томирлар кенгайиши ва тўлақонлилик сақланган. Синусларида плазмобласт ва плазмоцитлар аниқланади (3.15 – расмга қаранг).



3.15 – расм. I гуруҳ. ТК 10 – куни. Талок, қизил пульпада плазмоцитлар (1). Бўёқ: гематоксилин ва эозин. X:об.40, ок. 15.

Тажрибанинг 17–кунида талокда марказий соҳа атрофида лимфоцитлар орасида монцитлар ва макрофагларни кузатишимиз мумкин, оқ пульпа атрофида маргинал соҳа қийин фарқланади. Қизил пульпада тўлақонлилиқ ва томирлар кенгайишини кузатишимиз мумкин (3.16 – расмга қаранг).

Тажрибавий термик куйишни сўнгги даврларида, яъни 24 - кунида талокда шиш, дисциркулятор ва лимфадеструктив ўзгаришлар нисбий ҳолдаги лимфо-гистиоцитар пролифератив жараёнга айланганлиги кузатилди.




3.16 – расм. I гуруҳ. ТК 17-куни.Талок фолликули. Қизил пульпа тўлақонли (1).

Бўёқ: гематоксилин ва эозин. Х:об.40, ок. 10.

Қизил пульпада қон қуйилишлар ўрнида пигментация ва макрофагал реакция кузатилса, лимфо-гистиоцитар ҳужайраларнинг кўпайишидан оралиқ тўқиманинг зичлашиб, кенгайганлиги аниқланди. Талок оқ пульпаси тажрибанинг илк давридан фарқли ўлароқ, аниқ структур ўзгаришларга учраганлиги кузатилди. Бунда, лимфoid фолликулаларнинг атрофияланганлиги, айримларининг ўрнида дистрофия ва деструкцияга учраган ретикуляр стромаси сақланиб қолганлиги топилди. Маргинал майдоннинг аниқланиши қийин, бу соҳада, асосан, макрофаглар ва гистиоцитар ҳужайралар кўпайиб, ўзига хос тўрсимон нозик тўқима пайдо бўлганлиги аниқланди. Периартериал Т-майдон нисбатан сақланиб қолган, ундаги ретикуляр ҳужайралар гипертрофияланган, лимфоцитлари нисбатан гипохромияга учраб, алоҳида-алоҳида тўплamlар пайдо қилиб жойлашган.

Демак, термик куйишга жавобан, талокда, дастлаб шиш, кучли дисциркулятор ва лимфодеструктив ўзгаришлар ривожланган бўлса, тажрибанинг охирги давлари 24 - кунига келиб, ҳам қизил пульпа, ҳам оқ


пульпада макрофаглар ва ретикуляр хужайралар пролиферацияси, талок фолликуласи кичиклашиши (3.17-расмга қаранг), уларнинг фагоцитозлаш фаолиятининг ошиши, оқ пульпа атрофияси ривожланиши кузатилди.



3.17-расм. I гуруҳ. ТК 24-куни. Талок фолликуласи кичиклашиши атрофида макрофаглар (1) ва ретикуляр хужайралар (2) пролиферация, оқ пульпа атрофияси (3).

Бўёқ: гематоксилин ва эозин. Х:об.40, ок. 15.

Лимфа тугунларидаги ўзгаришлар. Тажрибанинг 3 – кунида мағиз қисми кенгайган, шишган, макрофаг ва дегрануляцияланган хужайралар кўпайган, медулляр синуслар кенгайган. Бунга асосан, пўстлоқ қисми кичиклашган. Пўстлоқ қисмида кичик ўлчамли фолликулалар аниқланади. Паракортикал зона кенгайган. Тажрибавий термик куйишга жавобан лимфа тугунларда ҳам, дастлаб, биологик фаол моддалар ишлаб чиқарувчи дегрануляцияланган семиз хужайралари кўпайиб, макрофаглар билан бирга, мағиз қаватини тўлдириб туради. Тўқимада шиш кузатилади (3.18-расмга қаранг).




3.18-расм. I гуруҳ. ТК 3-куни. Л/тугун. Семиз хужайралар фаоллашуви (1), тўқима шиши (2).
Бўёк: гематоксилин ва эозин. Х:об. 40, ок. 15.

Натижада, лимфа тугунлари майда қон томирлари кенгайиб, тўқимасида шиш, мукоид ва фибриноид бўкиш ривожланади. Бу ўзгаришлар лимфа тугунининг ташқи пардаси, парда ости синусиоди ва ичига кирувчи устунларида кўпроқ намоён бўлганлиги аниқланди.


Тажрибанинг 6–кунида кичик ёруғ марказли лимфоид фолликулалар аниқланилади (3.19-расмга қаранг). Термик куйиш динамикасида лимфа тугуннинг паракортикал соҳаси ва мағиз синусоидларида қон қуйилишлар пайдо бўлганлиги кузатилди.

Тажрибанинг 10 - кунида лимфа тугуннинг пўстлоқ қаватида лимфоид фолликулалар шакли бузилиб, ташқи парда остида лимфоцитларнинг узлуксиз ҳолдаги зичлашиб тўпланганлиги кузатилди (3.20-расмга қаранг). Бу каби лимфо тугунидаги гистологик тузилиши ўзгаришлари аъзонинг фаоллиги кескин пасая бошлаганини кўрсатади.




3.19-расм. I гуруҳ. ТК 6 - куни. Лимфа тугуни. Фолликулнинг кичик ёруғ маркази (1).

Бўёқ: гематоксилин ва эозин. X:об. 40, ок. 15




3.20-расм. I гуруҳ. ТК 10-куни. Лимфа тугун. Субкапсуляр соҳада лимфоцитлар тўпланиши (1). Бўёқ:Г-Э. X: 10x15.


Уларнинг атрофида, паракортикал майдонда ва ҳатто мағиз қават синусоидлари деворида гистиоцитлар, макрофаглар ва ретикуляр хужайралар кўпайиб, ўзига хос гистиоцитар инфильтрат пайдо қилганлиги аниқланди. (3.21-расмга қаранг) Бу инфильтрат лимфа тугуннинг паренхимаси бўлган лимфоцитларни четга суриб, деструкцияга учратиб, атрофия жараёнини ривожлантирган. Лимфа тугунидаги бундай морфологик ўзгаришлар аъзонинг депрессияга тушганлигидан далолат беради. Тажрибанинг 17 – кунда паракортикал ва мағиз қаватида иккиламчи лимфоид фолликулалар кўзга ташланади (3.22-расмга қаранг). Кортикал соҳа кенгайган, паракортикал соҳа нозиклашган. Мағиз қавати кичиклашган. Мағиз қавати медуляр синусларида гистиоцитларнинг кўпайишини кузатишимиз мумкин. Тажрибанинг 24–кунда лимфа тугунининг кортикал зонаси атрофияланган, медуляр ва кортикал синуслар гистиоцитлар пролиферацияси ҳисобига кенгайган (3.23-расмга қаранг).



3.21-расм. I гуруҳ. ТК 10 – куни. Лимфа тугун. Паракортикал соҳанинг гистиоцит (1) ва макрофаглар (2) билан инфильтрацияланиши. Бўёқ: Г-Э. X:40x15.



3.22-расм. I гуруҳ. 17-кун. Лимфа тугун. Иккиламчи лимфоид фолликулалар (1).
Бўёқ: Г-Э. X: 10x15



3.23-расм. I гуруҳ. ТКнинг 24 – кунида лимфа тугуни. Гистиоцитоз (1) ҳисобига синус
типли лимфа тугуни гиперплазияси. Бўёқ: Г-Э. X:40x15.


III боб бўйича хулосалар

Термик куйиш бўлган каламушларда ўтказилган морфологик текширувлар асосида хулоса қиладиган бўлсак, гистологик текширувлар шуни кўрсатдики, каламушларда оғир даражали термик куйишда иммун тизими аъзоларида қайта қурилиш бўлиб, дастлаб кучли стресс натижасида тимусда атрофия келиб чиққанлиги, дегрануляцияланган семиз хужайралар мавжудлиги, кейинчалик лимфоид фолликулалар пайдо бўлиши, сўнги кунларида тимуснинг патологик гиперплазияси аниқланади. Лимфатик тугунлар ва гистиоцитоз ҳодисалари устун келиши билан қора талок лимфоид фолликуласи кичиклашади, оқ пульпасининг реактив гиперплазияси кўринишида лимфоид тўқималарнинг яққол реакцияси билан кузатилиб келинди. Лимфа тугунида термик куйишнинг охирги кунларида синус типли гиперплазия кузатилди. Кортикал зонаси атрофияланган, медулляр ва кортикал синуслар гистиоцитлар пролиферацияси ҳисобига кенгайгани аниқланди.

Т ва В – зоналар ҳажми кичиклашади. Чуқур куйган ярадаги яра жараёнининг кечиши, термик жароҳатдан сўнг 24 - кунда эпителизация аломатларининг йўқлиги билан тавсифланади.

IV БОБ. ТЕРМИК КУЙИШНИ АЛЛОФИБРОБЛАСТЛАР БИЛАН ДАВОЛАГАНДА ИММУН ТИЗИМ АЪЗОЛАРИДАГИ МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАР

Термик куйишдан 3 кундан кейин некрэктомия қилинди, мушак қават ва томирлар кўринди. Пипетка ёрдамида ЎАФ супензияси томизилди. Жароҳат усти гентамицинга шимилган дока билан ёпилди. ЎАФ қўлланилганидан 3 кун ўтиб, куйган жароҳат соҳасида грануляцион тўқима аниқланди (4.1-расмга қаранг).




4.1-расм. II гуруҳ. ТК 6-куни. Жароҳат соҳасида грануляцион тўқима. Х:об.40, ок.15.


Бўёқ гематоксилин ва эозин.

Ўстирилган аллофибробластлар қўлланилганининг 7-куни жароҳат қирраларида эпителийлар пайдо бўла бошлаганини кузатишимиз мумкин (4.2-расмга қаранг).

Тимусдаги ўзгаришлар. Термик куйишни аллофибробластлар билан даволашнинг 3–кунида (ТК 6-куни) ҳам, тимус стромасида семиз хужайраларнинг кўпайганлиги, улардан аксарияти дегрануляцияланган ҳолатдалиги аниқланди (4.3-расмга қаранг)




4.2-расм. II гуруҳ. ТК 10-куни. Жароҳат қирраларида эпителий (1) пайдо бўла бошлаши.
Х:об.40, ок.15. Бўёқ гематоксилин ва эозин.




4.3-расм. II гуруҳ. ТК 6-куни. Тимусда дегрануляцияланган ҳужайралар (1).
Х:об.40, ок.15. Бўёқ: гематоксилин и эозин

Бу даврда тимусни пўстлоқ ва мағиз қаватларга ажралиши суст, лимфоцитлар, асосан, пўстлоқ қисмида, мағиз қисмида ретикуляр хужайралар аниқланилади. Бу ўзгаришларга монанд ҳолда ретикуляр хужайралари вакуоляр дистрофия ҳисобига шишиб, катталашиб, айримлари деструкцияланганлиги кузатилади. ЎАФ қўлланилганининг 7–кунида (ТК нинг 10–куни) биринчи гуруҳдан фарқли равишда дегрануляцияланган семиз хужайраларнинг аъзо паренхимасида оз миқдорда учратиш мумкин.

Бу даволанган гуруҳнинг ўзига хослиги тажрибанинг 10-кунидан бошлаб, аъзонинг барча морфофункционал соҳаларида хужайралари сони орта бошлаши, ретикуляр хужайралар ва макрофагларнинг пролиферацияси бошланганлиги аниқланди (4.4-расмга қаранг). Тимус мағиз қавати кенгайиши, ретикулоэпителиоцитлар ва макрофаглар сонининг ортиши, яъни пролиферациясини кузатишимиз мумкин бўлади. Бу даврда тимуснинг пўстлоқ қисмида кўп миқдорда лимфоцитлар ва макрофаглар кузатилади (4.5-расмга қаранг).



4.4-расм. II гуруҳ. ТК 10-куни. Тимус мағиз қавати кенгайиши, макрофаг (1) ва ретикуляр хужайралар (2) пролиферацияси. Бўёқ:Г-Э. Х:40х15




4.5-расм. II гуруҳ. ТК 10 – куни. Тимус пўстлоқ қисмида кўплаб макрофаглар (1) атрофида кўплаб лимфоцитларни (2) кузатишимиз мумкин. Бўёк: Г-Э. X:40x15

Термик куйишда ЎАФ қўлланилганининг 14–кунида (ТК ни 17–куни) биринчи гуруҳдан фарқли равишда, тимус гиперплазияси патологик фолликулалар ҳосил қилмасдан амалга ошади.


Натижада, тимус пўстлоқ қавати лимфоцитлари орасида ва ташқи пардасига туташган ҳолда йирик гипертрофияланган ретикуляр ҳужайралар пайдо бўлганлиги кузатилди. Яна бир кўзга ташланадиган ўзгариш сифатида мағиз қавати майдони кенгайганлиги, унда ретикуляр ҳужайралар ва макрофаглар пролиферацияланиб кўпайгани, Гассал таначалари ҳам кўпайиб, кистоз бўшлиқларга айлангани аниқланди (4.6-расмга қаранг).

Бу каби пролифератив ўзгаришлар натижасида, даволанмаган гуруҳдаги ўзгаришлардан фарқли ўлароқ, тимусда акцидентал инволюциянинг фақат бошланғич даврлари ривожланганлиги, тимуснинг тўлиқ атрофияланмасдан, барча морфофункционал соҳалари сақланиб қолганлиги кузатилди. ЎАФ қўлланилганининг 21–кунида тимус гиперплазияси кузатилади, пўстлоқ ва мағиз қаватлар фарқланади (4.7-расмга

каранг). Улар орасида тарқоқ ҳолда ётган кўплаб макрофаглари кузатишимиз мумкин.




4.6-расм. II гуруҳ. ТКнинг 17-куни. (даволашнинг 14 – куни). Тимус мағиз қавати. Гассал таначаларинг кўпайиши ва кистозланиши (1). Бўёқ: Г-Э. X:40x15



4.7-расм. II гуруҳ. ЎАФ қўлланилганининг 21 – куни (ТК 24-куни). Тимус, пўстлоқ (1) ва мағиз (2) қаватлари сақланиб қолиши. Бўёқ: Г-Э. X:10x10


Талоқ. Термик куйишни ўстирилган аллофибробластлар билан даволаш гуруҳида ҳайвонлар талоғи микроскопик текширилганда, шу ҳолатлар аниқландики, бунда ҳам биринчи гуруҳ ҳайвонлари тимус ва лимфа тугунлардагига ўхшаб, дастлаб, дисциркулятор ўзгаришлар, кейин эса дистрофик ва деструктив ўзгаришлар ривожланиши тасдиқланди. Булардан дисциркулятор ўзгаришлар қизил пульпада устун турса, деструктив ва пролифератив ўзгаришлар оқ пульпада кўпроқлиги кузатилди. Қизил пульпада асосан тўлақонлик, қон қуйилишлар ва уларга жавобан макрофагал реакция кузатилади. Оқ пульпада асосий ўзгаришлар кичик фолликул кўринишда тажрибанинг илк даврларида ЎАФ билан даволашнинг 3- кунда маргинал майдоннинг шишга, титилишга учраб (4.8-расмга қаранг) кенгайиши, чегарасининг ноаниқлиги намоён бўлди.



4.8-расм. II гуруҳ. ТК 6- кун. (Даволашнинг 3 – кун). Талоқ оқ пульпаси кичик фолликул кўринишида (1) маргинал зона (2) ноаниқ. Бўёқ. Г-Э. X: 10 x 15.

Кейинги кунларида (ТКнинг 10 чи, ЎАФ билан даволашнинг 7-кун) даволашга жавобан оқ пульпанинг деярли барча соҳаларида стромал


хужайралар бўлган ретикулоцитлар ва макрофагларнинг пролиферацияланиши кузатилди (4.9-расмга қаранг).




4.9-расм. II гуруҳ. ТК10-куни (даволашнинг 7-куни). Талок, маргинал майдонда макрофаг (1) ва ретикулоцитлар (2) кўпайиши. Бўёқ: Г-Э. X: 40x15.

Даволанишнинг 14–кунида (ТКни 17-куни) оқ пульпа фолликулаларида гиперплазияни кузатишимиз мумкин (4.10-расмга қаранг). Қизил пульпада тўлақонлилиқ сақланган томирлари кенгайган. Ретикуляр строма пролиферацияланган.

ЎАФ кўчириб ўтказилганининг 21- куни (Тажрибанинг 24-куни) оқ пульпанинг морфофункционал соҳалари чегаралари аниқлангани кузатилди. Талок лимфоид фолликулаларида герминатив майдон, лимфоцитар ҳалқа ва маргинал майдон ўзига хос морфологик тузилишларга эга бўлди. Айниқса периартериал Т-майдон ҳатто меъёрдагидан ҳам катталашиб, ҳам артерия атрофида, ҳам перифериясида ретикуляр хужайраларнинг пролиферацияланиши аниқланди (4.11-расмга қаранг).




4.10-расм. II гуруҳ. ТК 17-куни.(ТК + ЎАФ 14 – куни). Талоқ фолликулалари гиперплазияси. Бўёк: Г-Э. X: 40x15.



4.11-расм. II гуруҳ. ТК 24-кун.(Даволашнинг 21 –куни). Талок, периартериал майдонда (1) макрофаг ва ретикуляр хужайраларнинг кўпайиши (2). Бўёк: Г-Э. X: 40x10


Лимфа тугун. Термик куйишни ўстирилган аллофибробластлар билан даволашнинг 3- кунида лимфа тугунинг пўстлоқ қисми торайган, мағиз

кавати синуслар кенгайиши, шиш натижасида кенгайган, дегрануляцияланган хужайралар ва макрофаглар билан тўлган. Паракортикал қисмида асосан лимфоцитлар, мағиз синусларида макрофаглар ва лимфоцитлар тўпланганлигини кўришимиз мумкин. Аллофибробластлар билан даволашнинг 7–кунида лимфа тугунинг пўстлоқ қисмида лимфоид фолликулалар (4.12-расмга қаранг), мағиз қисмида синуслар кенгайиши ва кўп миқдорда плазматик хужайралар аниқланди.




4.12 -расм. II гуруҳ. ТК ни ЎАФ билан даволаш 7 – кунида лимфа тугунинг пўстлоқ қисмида лимфоид фолликулалар (1). Бўёк:Г-Э. X: 10x10

Термик куйишни ўстирилган аллофибробластлар билан даволашнинг 14–кунида лимфа тугунинг пўстлоқ қисмида бирламчи ва иккиламчи лимфоид фолликулалар, паракортикал қисмида кўплаб макрофаглар инфильтрацияси кузатилди (4.13-расмга қаранг). Кейин эса бу хужайралар пўстлоқ қавати лимфоид фолликулаларига диффуз ҳолда кириб бориб, инфильтрациялангани аниқланди. Мағиз қисмида плазмоцитар хужайраларнинг кўпайиши кузатилди (4.14-расмга қаранг).




4.13-расм. II гуруҳ, ТК + ЎАФ 14 –кун. Лимфа тугун паракортикал қисмида кўплаб макрофаглар инфильтрацияси (1). Бўёқ: Г-Э. X:40x15.



4.14-расм. II гуруҳ, ТК + ЎАФ 14 –кун. Мағиз қавати плазмочитар (1) инфильтрацияланиши. Бўёқ: Г-Э. X:40x15.


Мағиз қавати синусоидлари деворида бу ҳужайралар кўпайган бўлса, синусоидлар ичи В-лимфоцит ва плазматик ҳужайралар билан тўлганлиги

аниқланди. В –лимфоцитлар тўпланиши иммуногистохимёвий текширишда аниқланди. Бу ҳолат CD20 хужайраларни иммуногистохимёвий текширишда, уларга хос интенсив бўялиши билан тасдиқланди (4.15-расмга қаранг).




4.15-расм. Лимфа тугун мағиз қаватида CD20 хужайраларнинг (1) кўплиги. Иммуногистохимё усули.

Лимфoid фолликулалар четида ва паракортикал майдонда Т-лимфоцитлар тўплангани кузатилди (4.16-расмга қаранг). Бу CD3 хужайраларни иммуногистохимёвий текширишда, уларга хос жойлашган жойи, яъни Т -соҳасини ўзгармасдан қолишини тасдиқлади. Тажрибавий термик куйишни ўстирилган аллофибробластлар билан даволашнинг 21–кунида лимфа тугунининг пўстлоқ қисми қисқарган, медуляр ва кортикал синуслар кенгайганлиги аниқланди. Иммуногистокимиёвий текшириш ёрдамида В – лимфоцитлар жойлашувининг ўзгариши, Т – лимфоцитлар жойининг ўзгармаслиги кузатилди. Термик куйишни даволашда ўстирилган аллофибробластларни қўллаш, лимфоцитлар В–хужайравий субпопуляциясини активлашувига қарамасдан, лимфoid аъзоларнинг барча морфологик тузилишларини эрта меъёрлашуви кузатилди.



4.16-расм. Лимфа тугун паракортикал соҳада CD3 лимфоцитлар (1) тўпланиши. Иммуногистокимё усули.

Тажрибанинг 24 кунда бу гуруҳдаги ҳайвонларнинг куйиш жароҳати битиб, эпителиал қопламнинг қайта тикланиши кузатилди (4.17 – расмга қаранг).



4.17 - расм. ТК 24-куни. Куйиш жароҳати соҳасида эпителиал қопламни қайта тикланиши (1). Х:10 х 15. Бўёк; гематоксилин ва эозин.

IV боб бўйича хулоса

Шундай қилиб, тажрибавий термик куйиш келтириб чиқарилган каламушларга ўстирилган аллофибробластлар (ЎАФ) кўчириб ўтказилганда, ўтказилган морфологик текширувлар шуни кўрсатдики, термик куйишда ўстирилган аллофибробластлар қўлланилиши иммун тизими аъзоларининг термик жароҳатга камроқ реакцияси ва морфологик хусусиятларининг эрта нормаллашуви, биринчи гуруҳ каламушлари тимусидан фарқли равишда тимусда патологик лимфоид фолликулалари кўринишининг намоён бўлмаслиги кузатиб келинади. Бундан ташқари, термик куйиш бўлган даволанмаган гуруҳ талоқ фолликуласидан фарқ қилиб, ўлчамининг кичраймасдан, ҳатто нормадан биров катталашганини кўришимиз мумкин.

Тажрибавий термик куйиш бўлган каламушларнинг чуқур куйган яраларига ўстирилган аллофибробластларнинг кўчириб ўтказилиши, куйган жароҳат соҳасининг эпителиал қопламанинг қайта тикланишига, термик куйиш аломатларининг эртароқ тузалишига ва яра жараёни яхши тузалишини кечишига олиб келади. Тажрибавий термик куйишда ўстирилган аллофибробластларни қўллаш иммун тизими аъзоларининг стромал хужайраларининг пролиферациясига, иммун тизими аъзолари ўзгарган морфологик структураларининг эрта меъёрлашувига сабаб бўлар экан.

V БОБ. ТЕРМИК КУЙИШДА КАЛАМУШЛАР ҚОНИ ИММУНОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ

Термик куйиш ҳайвонлар иммунологик реактивлигининг ўзгаришига олиб келди. Тажрибанинг 3-кунидан бошлаб, ҳайвонлар иммун статуси кўрсаткичлари ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан кескин ўзгаришга учради (5.1-жадвалга қаранг).

5.1-жадвал

Каламушларда тажрибавий термик куйиш динамикасида иммун тизимнинг
миқдорий кўрсаткичлари, $M \pm m$ ($n=30$)

Кўрсаткичлар	Меъёр назорат	Куйишдан кейинги кунлар				
		3-кун	6-кун	10-кун	17-кун	24-кун
CD3, %	51,5±1,05	35,0±0,81*	42±0,73*	44±0,47*	47,3±0,91	48,8±0,60*
CD4, %	33,5±0,67	23,1±0,40*	25,8±0,74*	29,1±0,47*	32,1±0,74	30,3±0,61*
CD8, %	16,1±0,79	11,8±0,47*	13,5±1,11*	15±0,57	17,8±0,60	16,6±0,42
CD4/CD8	2,08	1,96	1,91	1,94	1,80	1,82
CD 16,%	10,3±0,33	11±0,57	15,6±0,33*	17,1±0,65*	17±0,57*	10,6±0,49
CD95, %	15,8±0,30	20±1,46*	21±0,65*	21,1±0,47*	20,1±0,70	20,5±0,36
CD20, %	20,1±0,60	21,6±1,17	26±0,96*	17,3±0,55*	18,8±0,60	18,1±0,30*
НФФ, %	46,5±1,25	31±1,36*	37,3±0,84*	34,6±1,05*	35,1±1,88*	40,5±0,99*


Изоҳ: * - назоратга нисбатан ишончлилик даражаси ($P < 0,05$).

T - лимфоцитлар қаторининг барчаси, жумладан CD3 хужайра 35,0±0,81%гача тушиб кетганлиги кузатилди. T-лимфоцит субпопуляциялар миқдори: CD4 23,1±0,4%, CD8 11,8±0,47% гача тушиб, улар орасидаги иммунитетни бошқариш индекси бузилган.

CD20 кўрсаткичи дастлабки кунларда кўтарилиб, тажрибанинг 10 – кунидан камая бошлагани аниқланди. CD95 миқдорининг меъёрдаги 15,8±0,3%дан 20±1,46% гача кўтарилиши апоптоз жараёнининг фаоллашуvidан дарак беради. Тажрибанинг илк даврларида носпецифик ҳимоя тизим омилларининг тушиб кетганлиги, жумладан, нейтрофиллар фагоцитозлаш

фаоллиги (НФФ) $31,0 \pm 1,36\%$ гача пасайиб, фагоцитозланган заррачалар сони 2,5 гача камайган. Бу ҳолат табиий киллерлар (CD16) миқдорининг ошиши билан намоён бўлди.

Тажрибанинг кейинги даврларида Т-хужайрали иммунитет кўрсаткичлари кўтарилиб, меъёрга яқинлашганлиги кузатилди. Лекин табиий киллерлар миқдори 17-кунгача ошиб бориб, 24-кунда меъёрга яқин миқдорга қайтганлиги аниқланди. CD95 миқдори динамикада юқори даражада сақланиб қолиши, апоптоз доимий равишда юқорилигидан хабар беради. Яна бир аҳамиятли факт, бу - динамикада нейтрофиллар фагоцитозлаш фаоллигининг (НФФ) пастлиги, тажрибанинг охирги 24-кунида бор-йўғи $40,5 \pm 0,99\%$ гача кўтарилгани кузатилди (5.1-расмга қаранг).



5.1-расм. Термик куйиш иммунологик миқдорий кўрсаткичлари ўзгариши.

Нейтрофиллар фагоцитозлаш фаоллиги тажрибанинг барча даврларида паст кўрсаткичда эканлиги аниқланди.

Иммунитетининг функционал кўрсаткичлари. Тажрибанинг 3-кунида периферик қонда лейкоцитларнинг ўз-ўзидан (спонтан)

миграцияланишининг кескин пасайганлиги ($38,7 \pm 2,47$ $P < 0,05$), нейтрофиллар фагоцитозлаш фаоллигининг тушиши билан мос келди. ЛМПО пасайиши 12% ($МИ = 0,88 \pm 0,03$ бўлганда)га тенг бўлди, меъёрда 37% ($МИ = 0,63 \pm 0,03$). КонАга нисбатан ЛМСО – нинг ишлаб чиқарилиши ҳам паст бўлди - 10% ($МИ = 1,10 \pm 0,06$) меъёрдаги -18% ўрнига ($МИ = 1,18 \pm 0,02$). Натижада МПО/МСО нисбат кўрсаткичи ҳам жуда паст бўлди, яъни 1,2 меъёрда 2,06га тенг. Тажрибанинг кейинги даврларида, яъни 10-кунгача ҳам МПО, ҳам ЛМСО кескин ошиб борганлиги, 17, 24-кунлари яна меъёр кўрсаткичига яқинлашганлиги кузатилди. Натижада МПО/МСО нисбат кўрсаткичи 10-кунгача камайиб бориб, кейинги даврларда кескин ошганлиги аниқланди (5.2.-жадвалга қаранг).

5.2-жадвал.


Тажрибавий термик куйиш динамикасида каламушлар иммунитети функционал кўрсаткичларининг ўзгариши, $M \pm m$ ($n=30$)

Кўрсаткичлар	Меъёр	Куйишдан кейинги кунлар				
		3- кун	6- кун	10-кун	17- кун	24- кун
ПК ЛСМ, .	$45 \pm 0,91$	$38,7 \pm 2,47^*$	$31,2 \pm 1,9^*$	$50,8 \pm 4,16$	$73,3 \pm 3,33^*$	$32,5 \pm 1,11^*$
Сп цит, МИ	$1,07 \pm 0,03$	$0,70 \pm 0,04^*$	$0,56 \pm 0,08^*$	$1,30 \pm 0,03^*$	$1,22 \pm 0,02^*$	$1,27 \pm 0,02^*$
МПИ, %	-7	+30	+44	-30	-22	-27
ЛМПО, МИ	$0,63 \pm 0,03$	$0,88 \pm 0,03^*$	$0,95 \pm 0,03^*$	$0,86 \pm 0,03$	$0,76 \pm 0,04^*$	$0,72 \pm 0,02$
МПИ, %	+37	+12	+5	+14	+24	+28
ЛМСО, МИ	$1,18 \pm 0,02$	$1,10 \pm 0,06$	$1,16 \pm 0,02$	$1,31 \pm 0,03^*$	$1,07 \pm 0,01^*$	$1,08 \pm 0,01^*$
МПИ, %	-18	-10	-16	-31	-7	-8
МПО/МСО	2,06	1,20	0,31	0,45	3,43 3,5	

Изоҳ: * - Меъёрга нисбатан ишончлилик даражаси ($P < 0,05$)

Қондаги лейкоцитларнинг ўз-ўзидан миграцияланиши тажрибанинг 3, 6, 24-кунлари пасайганлиги, аммо 17-кунда кескин ошиб кетганлиги кузатилди ($P < 0,05$), бу ҳолат ҳайвонлар организмнинг цитокинлар билан захарланиши даврига тўғри келади. Ўз-ўзидан пайдо бўлувчи цитокинлар фаоллиги 3, 6-кунларда ошиши (МТИ 30% ва 44%), МПОНинг яллиғланишга

қарши таъсирининг фаоллашуvidан, 10, 17 ва 24-кунлари МТИ камайиши МСО (-30%, -22% ва -27%) альтернатив яллиғланишга қарши фаоллигининг ошишидан дарак беради (5.2-расмга қаранг).



5.2-расм. ТКнинг 3, 6, 10, 17 ва 24 - кунларидаги МТИ ўзгаришлари фоизларда %, назоратга нисбатан (К) ПК ЛСМ (1), спонтан цитокинлар (2), КонА-индуцирланган маҳсулот ЛМПО (3) ва ЛМСО (4)

V боб бўйича хулоса

Термик куйиш натижасида ҳайвонлар иммун статусининг иммунологик кўрсаткичларида ҳужайравий иммунитет кўрсаткичлари, яъни Т-лимфоцитлар каторинг барчаси ҳам сони жиҳатидан, ҳам фаоллиги жиҳатидан пасайиб, CD4/CD8 индекси, НФФ ва CD20 гуморал иммунитет кўрсаткичи дастлаб кўтарилиб, термик куйишнинг 10-кунидан тушиб кетганлиги, CD16

табiiй киллер, апоптозни фаоллаштирувчи CD95 кўпайиб, миқдорий Т-хужайра танқислиги ва табiiй ҳимоя омиллар (CD16+ хужайралар ва НФФ) бузилиши, Т-лимфоцитлар функционал фаолияти қисқариши билан бирга миграцияни пасайтувчи омил МПО / МСО миграцияни стимулловчи омиллар номуносивблигига сабаб бўлди. Шу билан бирга, тажриба давомида ҳайвонларда спонтан цитокинларнинг мувозанати аниқланди. Тажрибанинг 24-кунда спонтан цитокинларда мувозанати бузилади ва нейтрофиллар фагоцитлаш фаоллигининг (НФФ) камайишига олиб келди, аммо апоптоз жараёнининг фаоллиги ошганини кузатишимиз мумкин.

VI БОБ. ТАЖРИБАВИЙ ТЕРМИК КУЙИШДА АЛЛОФИБРОБЛАСТЛАР ҚЎЛЛАНИЛИШИНING ДИНАМИКАСИДА ҲАЙВОНЛАР ИММУНОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

ТКнинг 3-кунида некротик қазғоқ олиб ташланиб, жароҳат устига тайёр ЎАФ суспензияси пипетка ёрдамида томизиб чиқилди.

